

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(«Халқ сўзи», 2011 йил 13 май, 94 (5261)-сон)

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурига мувофиқ ҳамда тадбиркорлик фаолиятини кенг ривожлантириш учун қўшимча қулай шарт-шароитлар яратиш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш ва харажатларини камайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлигининг 2011 йил 1 июндан ходимларининг йиллик ўртача сони 50 кишидан 100 кишигача кўпайтириладиган кичик корхоналарнинг фаолият турлари рўйхатини 1-иловага мувофиқ кенгайтириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. 2011 йил 1 июндан қуйидагича тартиб белгилансин: янги ташкил қилинаётган масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар устав фонди (устав капитали)нинг энг кам ҳажми давлат рўйхатидан ўтиш учун ҳужжатлар тақдим этилган санада қонунчиликда белгиланган энг кам иш ҳақи микдорининг қирқ бараваридан кам бўлмаслиги керак; тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш уларнинг аризасига кўра намунавий таъсис ҳужжатлари асосида амалга оширилиши мумкин; туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик

субъектларини рўйхатга олиш бўйича тегишли инспекцияларда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган давлат божи ставкаси энг кам иш ҳақи микдорининг бир бараварига тенгдир;

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда нотариал тарзда тасдиқланган таъсис ҳужжатларини тақдим этиш ҳақидаги талаб бекор қилинади, хорижий инвестицияли корхоналар ва чет эл сармояси иштирокидаги бошқа корхоналар бундан мустасно.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган намунавий таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси 2011 йилнинг 1 июнидан муассислар ёки рўйхатдан ўтказувчи органнинг электрон буюртмасига кўра интернет тармоғи орқали фирмали номларнинг марказлашган маълумотлар базасида ҳўжалик юритувчи субъектнинг фирмали номлишини захира қилиб қўйиш амалиётини жорий этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси Ўзбекистон Савдо-

саноат палатаси, Миллий ахборот агентлиги ва Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли ўртасида мазкур қарорда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг мазмунини, мамлакатимизда тадбиркорликни янада жадал ривожлантиришдаги уларнинг аҳамиятини очиб берувчи кенг қўламли тушунтириш ишлари амалга оширилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.Тошкент шаҳри,
2011 йил 12 май.
ПҚ-1529-сон.

Қонунчиликдаги янгиликлар

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.

СЕРТИФИКАТ ТАН ОЛИНАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги «Сертификатлаштириш тартибларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 122-сон қарори билан 2011 йил 1 майдан бошлаб ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан сотилган сертификатлаштирилган маҳсулот ҳажмидан мувофиқлик белгиларидан фойдаланганлик учун сертификатлаштириш органларига доимий лицензия ажратмаларини тўлаш тўғрисидаги талаблар бекор қилинди. Уларнинг ўрнига Молия вазирлиги қилинган келишилган микдордаги бир марталик тўлов жорий этилди. Шунингдек ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг айрим турларини сертификатлаштиришнинг маълум қилиш тартиби ҳам жорий қилинмоқда. Экспортга етказиб бериш учун ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар эндиликда ихтиёрий равишда сертификатлаштирилади. Четдан келтирилаётган технологик ускуналар ва уларнинг қисмларини сертификатлаштириш эса хорижий мамлакатларнинг аккредитация қилинган сертификатлаштириш органлари томонидан берилган мувофиқлик сертификатларини тан олиш йўли билан соддалаштирилади.

Ҳужжат билан мажбурий тартибда сертификатланадиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ишлаб чиқариладиган ҳамда унга олиб кириладиган 76 та маҳсулот турларининг янги рўйхати тасдиқланди (Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарори билан тасдиқланган аввал амал қилган рўйхат ўз кучини йўқотган деб топилди).

Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган технологик ускуналар ва уларнинг қисмларига хорижий мамлакатларнинг аккредитация қилинган сертификатлаштириш органлари томонидан берилган мувофиқлик сертификатларини тан олиш

тартиби тўғрисидаги низом ҳамда Ўзбекистон Республикасидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат ва хавфсизлик талабларига мувофиқлигини ишлаб чиқарувчи томонидан маълум қилиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

«Ўзстандарт» агентлиги таркибда Маҳсулотларни экспорт қилишга кўмаклашиш бюроси ташкил этилган бўлиб, экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ташкилотларга стандартлар, сертификатлаштириш, ёрликлаш, қадоқлаш ва бошқа параметрлар бўйича халқаро ва мамлакатлараро талаблар юзасидан бепул консалтинг хизматлари кўрсатиш унинг вазибаларидан бирига киради.

Ҳужжат билан бошқа масалалар ҳам тартибга солинган.

СОЛИҚ ИДОРАЛАРИ ТОМОНИДАН АХБОРОТ ХИЗМАТИНИ КЎРСАТИШ ТАКОМИЛЛАШАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 2 майдаги «Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларга ахборот хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 125-сон қарори билан 2011-2012 йилларда давлат солиқ хизмати органларининг ягона маълумотлар базасини ташкил қилиш назарда тутилган. У ахборот оқимларини оптималлаштириш, солиқ солиш ва солиқ маъмуриятчилиги бўйича ахборот алмашувини ва унга ишлов беришни тезлаштиришни; ахборотни марказлаштирилган ҳолда сақлаш, шунингдек солиқ органлари ахборот тизимларининг хавфсизлигини оширишни; солиқ тўловчиларга кенг доирадаги интерактив хизматларни кўрсатишни, шу жумладан ҳисобланган ва улар томонидан тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, молиявий санкциялар

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

ва пенялар, ортиқча тўланган суммалар ва солиқ қарздорлиги тўғрисидаги ахборотни реал вақт режимида олишни; солиқ имтиёзлари ва преференцияларидан фойдаланувчи солиқ тўловчилар тўғрисидаги ахборотни шакллантиришни таъминлайди.

Ҳужжат билан Ягона маълумотлар базасини яратиш ва солиқ тўловчиларга ахборот хизмати кўрсатишни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар комплекси маъқулланди. Унда, хусусан, солиқ органларига молия, солиқ ҳисоботи ва бошқа ахборотни электрон ҳужжат кўринишида тақдим этиш тизимини такомиллаштириш; уни тақдим этиш ва қабул қилиб олиш бўйича дастурий маҳсулотларни такомиллаштириш; автоматлаштирилган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботни электрон ҳужжат кўринишида тақдим этишнинг афзалликларини кенг ёритиш; солиқ хизмати ходимларининг малакасини ошириш чора-тадбирлари назарда тутилган.

СОЛИҚ ТЎЛОВЛАРИГА УСТУВОРЛИК

Марказий банк бошқарувининг қарори билан (АВ томонидан 2011 йил 5 майда 1122-8-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Ўзбекистон Республикасидан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Уларга биноан, эндиликда электрон пулли ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш учун нафақат «Банк-Мижоз» тизимидан, балки банк ҳисобрақамларига дистанцион хизмат кўрсатувчи бошқа тизимларидан ҳам фойдаланса бўлади.

Ҳисобрақамда пул маблағларининг мавжудлигидан қатъи назар банк солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мижоз тақдим этган тўлов топшириқномаларини қабул қилиши шарт. Улар ҳисобрақамдаги маблағлар етарли бўлмаганда «Муддатидан тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари» (2-сон

картотека) ҳисобрақамларига жойлаштирилади ва маблағлар келиб тушишига қараб тўлаб борилади. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича тўлов топшириқномалари фақатгина тегишли солиқ органининг ёзма рухсатномаси билан қайтарилиши мумкин. Тўловчининг депозит ҳисобрақамда маблағлар етарли бўлмаганда банк бундай топшириқномалар тўловини қисман амалга оширади, уларнинг орқа томонидан эса қисман тўлов суммаси кўрсатилади.

Белгиланишича, «Муддатидан тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари» (2-сон картотека)га жойлаштирилган тўлов талабномалари ундан маблағларни олувчининг ёзма аризаси асосида олиниши ва хизмат кўрсатувчи банкка қайтарилиши мумкин.

Солиқ органлари эндиликда нафақат давлат бюджетига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар; бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий тўловлар ва ажратмалар; бюджетдан ташқари Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий тўловлар; Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ва йиғимлар; юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун муддати ўтказиб юборилган қарзни ундириш пайтида, балки фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларига мажбурий бадаллар; микрофирмалар ва кичик корхоналар (савдо ташкилотларидан ташқари) томонидан ўзаро қўллаб-қувватлаш шартномалари асосида «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини ривожлантириш жамғармасига амалга ошириладиган 5%лик ЯСТ суммаси; ўзаро ҳисоб-китобларни солиштириш далолатномасини илова қилган ҳолда дебиторнинг банк ҳисобрақамидан солиқ тўловчининг солиқ қарзи суммасини ундирганда ҳам инкассо топшириқномаларини қўйишга ҳақли.

2011 йил 15 майдан кучга кирди.

Меърий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2011 йил 30 апрелдан 6 майгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 18-сони асосида тайёрланди.

УШБУ
СОҒДА

2-3-бетлар

Иш ҳақидан
ушланмалар қондалари

\$1 = 1697,11 сўм

4-бет

Гўштининг
сертификати қани?

€1 = 2504,25 сўм

4-бет

Қайдномалар бўйича
газ қуйиш улгуржи савдоми?

£1 = 2782,07 сўм

5-6-бетлар

Қонунчиликдаги
янги ҳужжатлар

¥10 = 210,72 сўм

КЎП ЭМАС

МЕН ИШДАН БЎШАЙМАН, ЖАРИМАНИ СИЗ ТЎЛАЙСИЗ

? **МКнинг 104-моддасига кўра, муддатли меҳнат шартномасида уни муддатидан олдин бекор қилганлик учун тарафларнинг неустойка тўлаши ҳақидаги ўзаро мажбуриятлари назарда тутилиши мумкин. Агар ходим муддатдан аввал ишдан бўшашга қарор қилса, иш берувчи меҳнат шартномаси бекор қилинган вақтда тўланадиган суммадан неустойка суммасини бир тарафлама тартибда ушлаб қолиши мумкинми?**

МК 104-моддасининг бешинчи қисми тараф уни тўлашдан бош тортган тақдирда неустойкани суд тартибида ундиришни назарда тутати. ЎзР Фуқаролик процессуал кодексининг 238-1, 238-2-моддаларига мувофиқ суд буйруғини қўллаш ва муддатли меҳнат шартномасининг неустойка тўлаш тўғрисидаги қарорини шакл шубҳасиз талабга киритиш мумкинми?

«Avent Advokat» АФ.

– МК 164-моддасининг биринчи қисмида келтирилган, ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолишлар ходимнинг розилигисиз амалга оширилиши мумкин бўлган ҳолларнинг муфассал рўйхатида муддатли меҳнат шартномаси бекор қилинганда неустойка тўлаш ҳоллари келтирилмаган. Шу боис **иш берувчи неустойкани бир тарафлама тартибда ушлаб қолишга ҳақли эмас.** Агар ходим иш ҳақининг неустойка суммасига қайтаришга рози бўлса, у бу ҳақда ариза ёзиши керак, фақат неустойканинг миқдори тегишли меҳнат ҳақининг 50%идан ошмаслиги керак. Неустойка қисмлаб ушланishi мумкин: иш ҳақининг 50%идан ошмайдиган неустойка суммаси чегирилиши, қолган қисми эса ходим томонидан корхона кассасига тўланиши мумкин.

Неустойка тўлашдан бош тортган тақдирда иш берувчи умий тартибда судга ариза билан мурожаат қила олади (**МК 104-моддасининг бешинчи қисми**).

Фуқаролик процессуал кодексининг 238-2-моддасига мувофиқ суд буйруғи қуйидаги ҳолларда чиқарилади:

- 1) агар талаб нотариал тасдиқланган битимга асосланган бўлса;
- 2) агар талаб ёзма битимга


асосланган ва қарздор томонидан тан олинган бўлса, шу жумладан, агар коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса;

3) агар вояга етмаган болалар учун алиментлар ундириш ҳақидаги, оталикни белгилаш билан ёки учинчи шахсларни жалб этиш зарурати билан боғлиқ бўлмаган талаб арз қилинган бўлса;

4) агар ҳисобланган, лекин ходимга тўланмаган иш ҳақини ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса.

Кўриб турганимиздек, ходим неустойка тўлашдан бош тортган тақдирда суд буйруғини қўллаб бўлмайди, чунки у **ушбу қарзни тан олмаслик тўғрисида** сўзлаётди. Шу боис иш берувчи мазкур ҳолда умумий тартибда судга мурожаат қилиши лозим.

Шуни ҳам ёдда тутиш лозимки, ходим ишни давом эттириши мумкин эмаслиги бундай ишдан бўшатишни тақозо этган ҳолларда (ўкув юртига ўқишга кириш, пенсияга чиқиш, сайлаб қўйиладиган лавозимга сайланиш ва бошқа ҳолларда) унинг ташаббуси билан меҳнат шартномаси муддатдан аввал бекор қилинса, ходим неустойка тўлашдан озод қилинади.



АВАНС ИШ ҲАҚИНИНГ БИР ҚИСМИДИР

? **Ходимга март учун 500 000 сўм иш ҳақи ҳисобланди. Ой ўртасида у 200 000 сўм аванс олди. Ой охирида ҳисоблаб ёзилган иш ҳақидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ушланди, уларнинг суммаси 90 000 сўмни ташкил қилди.**

Бундан ташқари, ташкилот ходимга уяли алоқа хизматлари ҳақини тўлайди. Абонент тўловидан ортиқча қилган харажатлари ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолинади. Март ойида уяли алоқа хизматлари учун 23 000 сўм ушлаб қолинган.

Шунингдек ходим билан қарз шартномаси тузилган. Ходимнинг аризасига кўра ссудани узиш учун унинг иш ҳақидан ҳар ойда 150 000 сўм ушланади.

Шу тариқа 500 000 сўм иш ҳақидан қуйидаги ушланмалар амалга оширилган: аванс – 200 000 сўм, солиқлар ва тўловлар – 90 000 сўм, уяли алоқа хизматлари учун – 23 000 сўм, қарзни узишга – 150 000 сўм. Жами – 463 000 сўм.

1. Мазкур мисолда қайси сумма МК 164-моддасининг охириги қисмида назарда тутилган «ходимга тегишли меҳнат ҳақи» ҳисобланади?
2. Ушбу ҳолда МКнинг 164-моддаси талаблари бузилганми? Агар бузилган бўлса, нима учун?
3. МКнинг 164-моддаси талаблари бузилса, ташкилотлар ва мансабдор шахсларга нисбатан қандай санкциялар қўлланиши мумкин?

Бухгалтер.

– 1. Меҳнат кодексининг бутун матнида «иш ҳақи», «меҳнат ҳақи», «ходимнинг иш ҳақи» сўз бирикмалари учрайди. Ушбу 3 атама Солиқ кодексига ҳам қўлланилади. Ана шу икки ҳужжатнинг маъносидан келиб чиқилса, уларнинг ҳар бири «иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномасида назарда тутилган ходимнинг иш ҳақи» тушунчасини ўз ичига олади. Шу тариқа, сизнинг ҳолатингизда 500 000 сўм айни «**ходимга тегишли меҳнат ҳақи**» ҳисобланади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш муддатла-

ри ҳар ярим ойда камида бир марта бўлиши лозим (**МКнинг 161-моддаси**), яъни иш ҳақининг бирийчи қисми (аванс), сўнгра унинг қолган қисми тўланади. Шу сабабли иш ҳақи бир қисмининг тўлови ҳисобланган аванс ундан ушлаб қолиш бўла олмайди.

2. **Ҳа, бузилган.** МК 164-моддасининг учинчи қисмига кўра ҳар гал иш ҳақи тўланганда **ушлаб қолишларнинг умумий миқдори ходимга тегишли меҳнат ҳақининг 50%идан ошмаслиги керак.** Иш ҳақининг суммаси 500

миг сўм бўлганида 250 миғ сўмни ушлаб қолиш қонунийдир. Сизнинг ҳолатингизда 263 миғ сўм ушланган (90 000 + 23 000 + 150 000), бунда сиз ой якунларига кўра узил-кесил ҳисоб-китоб қилинадиган суммадан ушлаб қолгансиз.

3. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасига кўра мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ЭКИХнинг 2 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солишга олиб келади.

ЛИЦЕНЗИЯЛАНГ

низом² (бундан кейин – **Низом**) йўловчилар ва юкларни ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ходимларига **лицензия олиш ва автомобиль транспортда тегишли ташишларни амалга оширишга ҳужжатларни тақдим этаётганда** малакавий талаблар кўяди. Шу тариқа, юқорида айтилган ҳужжатда кўрсатилган талаблар юкларни тижорат асосида ташийдиган ва ушбу фаолият турини амалга оширишга лицензияси бўлган (ёки уни олиш учун ҳужжатлар топшираётган) ташкилотларга татбиқ этилади.

1. Хатингизга қараганда сиз озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш бўйича **пулли** транспорт хизматларини ҳам кўрсатяпсиз. Қонун ҳужжатларининг талабларига кўра ушбу фаолият тури лицензияланиши керак, демак, **юкларни ташиш билан шуғулланаётган ходимларингиз белгиланган малакавий талабларга мувофиқ келишлари лозим.** Агар автотранспорт хизматларининг улуши юридик шахс оборотида 50%дан камни

ташқил қилса, мазкур талаблар ташкилот раҳбарига эмас, балки унинг транспорт бўлини (хизмати) раҳбари ва унинг ташиш жараёнини ташқил этиш учун масъул бўлган ўринбосарига изҳор этилади (**Низом 3-1-бандининг иккинчи қисми**).

Ходимлар малакасининг мувофиқлигини қуйидагилар тасдиқлайди:

ташиш жараёнини ташқил этиш учун масъул бўлган транспорт бўлини масининг раҳбари учун – автомобиль соҳасида олий профессионал маълумоти тўғрисида диплом, камида 5 йиллик иш стаж ва Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспортида (**бундан кейин – Агентлик**) малакавий талабларга мувофиқлик бобида аттестациядан ўтганлиги ҳақида ижобий хулосанинг мавжудлиги;

ташиш хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича мутахассис учун – автомобиль ёки техник соҳада олий профессионал маълумоти тўғрисида диплом ҳамда Агентликда ташиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича малакавий та-

лабларга мувофиқлик бобида аттестациядан ўтганлиги ҳақида ижобий хулосанинг мавжудлиги;

ҳайдовчилар учун – белгиланган намунадаги гувоҳнома билан тасдиқланган, тегишли тоифадаги автотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқининг мавжудлиги.

Шу тариқа, **ташиш жараёнини ташқил этиш учун масъул бўлган транспорт бўлини масининг раҳбари автомобиль соҳасида олий профессионал маълумотга эга бўлиши керак.**

Агар ташкилот юкларни тижорат асосида эмас, ўз эҳтиёжлари учун ташиш, ходимларнинг малакасига доир талабларни корхона маъмурияти белгилайди. Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори³ транспорт соҳасидаги гуруҳ раҳбарлари олий маълумотли бўлиши тавсия қилади.

2. Қонун ҳужжатлари транспорт хизматлари бўлини раҳбари ва ташиш хавфсизлигини таъминловчи ходимнинг вазифаларини бирга бажаришни **тақиқламайди.**

ХИЗМАТ САФАРИ БИТИМИ

? **Ходим билан тузилган меҳнат шартномасидаги ишларнинг хусусияти хизмат сафарларига чиқишни назарда тутмайди.**

У билан қўшимча меҳнат шартномаси тузиб, ходим давлат топшириғини бажариш учун узоқ муддатга хизмат сафарига юборилишини кўрсатиш керакми?

С.Сухова.

– **Йўқ, қўшимча меҳнат шартномаси тузиш керак эмас, бироқ меҳнат шартномасига ўзгартишлар киритиш тўғрисида битим тузиш керак.** Бу шу билан боғлиқки, иш жойи меҳнат шартномасининг муҳим шартини ҳисобланади, хизмат сафари чоғида эса ходим расмий иш жойидан ташқарида хизмат топшириғини бажариш учун

бошқа жойга боради¹. Шу сабабли ходимни хизмат сафарига юбориш мумкинлиги тўғрисидаги шартни меҳнат шартномасига киритиш лозим.

Ҳомиладор аёллар ва 14 ёшгача болалари (16 ёшгача ногирон болалари) бўлган аёлларни уларнинг розилигисиз хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди (**МКнинг 228-моддаси**).

¹Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқнома (МВ ва МАИМКВнинг АВ томонидан 2003 йил 29 августда 1268-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган).

Мария ТУХТАРОВА, «Norma» МЧЖ юрисконсульти.

ГАЗ ҚУЙИШГА ЛИЦЕНЗИЯ БЎЛСА

«DAVR-Z» хусусий корхонаси (ХХТУТ бўйича коди 71280 – чакана савдо) суюлтирилган газ реализацияси билан шугулланади. Суюлтирилган газ реализациясига Вазирлар Маҳкамаси томонидан берилган лицензияга эгамиз. Суюлтирилган газни жисмоний шахсларга нақд пулга реализация қилишдан ташқари биз тузилган шартномаларга биноан, белгиланган намунадаги тарқатиш қайдномалари бўйича корхоналарнинг хизмат автомашиналарига газ қуямиз. Ой охирида литражда тўлдирилган газ миқдорига ҳисобварақ-фактура ёзамиз. Корхоналар ҳақни ҳисоб-китоб рақамимизга пул ўтказиб тўлайдилар.

Қайдномалар бўйича газ қуйиш улгуржи савдо ҳисобландими, агар бошқа корхонага газ улгуржи тарзда берилмай, амалда ҳар бир машинага, яъни пировард истеъмолчига газ қуйилса, улгуржи савдога қўшимча рухсатнома олишимиз керакми?

Т.Тоғаев,
«DAVR-Z» директори.

– Ҳа, у улгуржи савдо ҳисобланади. Бироқ сиз иккинчи лицензия олишингиз керак эмас. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа лицензиялар асосида товарларнинг айрим турлари билан улгуржи савдо қилувчи юридик шахсларнинг улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш лицензиясини олишлари талаб этилмайди (Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом¹ 1-бандининг иккинчи хатбошиси).

Бинобарин, сиз суюлтирилган газни тарқатиш қайдномалари бўйича ўзингизда мавжуд бўлган лицензия асосида реализация қилишга ҳақлисиз. Реализация қилиш тартибининг ўзи Рухсатномалар, тарқатиш ведомостлари ва лимит китобчалари бўйича автотранспорт воситаларига ёнилғи қуйиш учун нефть маҳсулотлари, суюлтирилган ва сиқилган табиий газни бериш қоидалари² билан тартибга солинади.

Ҳа, нозорат қилувчи органларнинг талаблари қонуний, чунки гўшт Мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхатида¹ киради.

¹ВМнинг 2005 йил 5 ноябрдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган.

²Ўздавнефтегазинспекция, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда ЎзАДТнинг АВ томонидан 2010 йил 23 январда 2072-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

ГЎШТГА ҲАМ СЕРТИФИКАТ КЕРАК

«Жейнов кўзгуси» хусусий корхонаси Қарши шаҳрида улгуржи ва чакана савдо билан шугулланиб, мактабгача таълим муассасаларини озиқ-овқат билан таъминлайди. Биз яқка тартибдаги тадбиркорлардан гўштни ветеринария хулосаси бўйича харид қиламиз ва унга асосан, ҳеч қандай ишлов бермай болалар боғчаларига тарқатамиз. Кейинги пайтда назорат қилувчи органлар биздан гўштга сертификат талаб қилишяпти. Уларнинг талаби қонунийми?

Д.Шарипова,
«Жейнов кўзгуси» ЖК директори.

«Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг² 14-моддасига мувофиқ эса мажбурий сертификатланадиган озиқ-овқат маҳсулоти юридик ва жисмоний шахслар томонидан озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини тасдиқлайдиган мослик сертификати ёки мувофиқлик белгиси бўлган тақдирда реализация қилинади. Бундай ҳужжатсиз уни реализация қилишга йўл қўйилмайди.

«Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг³ 12-моддасига мувофиқ мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотлар сертификатлаштиришга тақдим этилмаган бўлса ёки сертификатлаштириш талабларига мувофиқ эмаслиги сабабли сертификатлаштиришдан ўтмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилиниши мумкин эмас.

Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш учун сертификатлаштириш органига гўшт етиштирадиган яқка тартибдаги тадбиркор мурожаат қилиши керак, сизга эса у мазкур ҳужжатнинг нусхасини тақдим этиши зарур.

¹ВМнинг 2004 йил 6 июлдаги «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 318-сон қарорига 2-илова.

²1997 йил 30 августдаги 483-1-сон.

³1993 йил 28 декабрдаги 1006-ХII-сон.

Елена ЕРМОХИНА, «NORMA» МЧЖнинг ҳуқуқий масалалар бўйича эксперт-маслаҳатчиси.

ТАДБИРКОРЛИКНИ АХБОРОТ ЖИҲАТДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ «ЗАКОВАТ» ЖАМОАТ ҲОМИЙЛИК ФОНДИНИНГ 2010 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ Тўғрисида Ҳисобот

01.01.2011 йилга бўлган баланс

1. Тадбиркорликни ахборот жиҳатдан қўллаб-қувватлаш фаолияти

«Zakovat» ТAJҚҚЖХФ ўзининг уставда белгиланган мақсад ва вазифаларига мувофиқ 2010 йилда қуйидаги йўналишлар бўйича тадбиркорликни ахборот жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишларини амалга оширди:

1. «Zakovat» фонди муассис ҳисобланган (бошқа давлат, жамоат ва хўжалик тузилмалари билан биргаликда) «Солиқ ва божхона хабарлари», «Налоговые и таможенные вести», «Банк ахборотномаси», «Банковские ведомости» ва «Менинг мулким»-«Частная собственность» газеталарини чиқариш давом эттирилди.

2. Тадбиркорликни бутунжаҳон Интернет тармоғи орқали ахборот жиҳатдан таъминлашни кенгайтириш мақсадида кичик ва хусусий бизнес субъектлари учун bank.uz ва credit.uz янги лойиҳалари ривожлантирилди.

3. Савдо-саноат палатаси, «Ташаббус» республика танлови қолиблари, Бухгалтерлар ва аудиторлар уюшмаси, Аудиторлар палатаси, Бизнес фанлари ўқитувчилари уюшмаси, олий ўқув юрталари, вазирликлар ва идоралар, ҳокимият органларига электрон ахборот-ҳуқуқий маълумотлар базалари бепул тақдим этилди. Бу Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини юритиш шарт-шароитини тартибга солиш ҳуқуқий ҳужжатлардан кенг

фойдаланишни таъминлашга ёрдам берди.

4. Солиқ солиш, бухгалтерия ҳисоби ва шу каби масалаларга оид адабиётлар кутубхоналар, олий ўқув юрталарига бепул тарқатилди.

5. Олий ўқув юрталарини юридик ва иқтисодий мутахассисликлар бўйича тугаллаётган талабалар ҳуқуқий маълумотлар базалари билан таъминланди.

6. Тадбиркорларнинг товарлар ва нархлар бўйича маълумотларни эркин олишлари таъминланди, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 сентябрдаги 416-сон қарорига мувофиқ ДБК ва ТИАИСВ томонидан нашр этилаётган Нарх маълумотлари бюллетени тарқатилди.

7. Солиқ маданиятини ошириш бўйича «Пойтахт» ахборот радиосида ахборот-реклама фаолияти олиб борилди.

8. Солиқ мавзулари бўйича телекўрсатувларни ташкил этишга ёрдам берилди.

II. «Zakovat» ТAJҚҚЖХФнинг 2010 йил учун йиллик молиявий ҳисоботи ва амалда бюджет ижроси

«Audit-Kim» МЧЖ аудиторлик ташкилоти Фонднинг 2010 йил учун фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказди ва «Zakovat» ТAJҚҚЖХФнинг молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳолини тўғри акс эттиради ҳамда ушбу хўжалик юритувчи субъект томонидан амалга оширилган молиявий ва хўжалик операция-

Мен футболчилар трансфери бўйича хизматлар кўрсатувчи агентман. ЎзР Футбол федерацияси томонидан берилган лицензиям бор. Менинг фаолиятим фақат яқка тартибда сайёр тусга эга. Бироқ, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги қарори билан тасдиқланган Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шугулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатида бундай фаолият тури кўрсатилмаган.

Ўзбекистонда ушбу фаолият тури яқиндагина жорий этилган. Эҳтимол, уни шунчаки ҳисобга олишмагандир. Шу муносабат билан қуйидаги саволимга жавоб берсангиз: футбол агентлари кўрсатадиган хизмат ушбу Рўйхатнинг суғурта агентларининг хизматларини назарда тутадиган 48-сатрига киритилиши мумкинми?

Ж.Иноғомов,
футболчилар агенти.

СУҒУРТАЛАШ ФУТБОЛЧИЛАРНИ ОЛИБ КЕЛИШГА ТААЛЛУҚЛИ ЭМАС

– Йўқ, киритилиши мумкин эмас. Суғурталовчининг номидан ва топшириғига биноан суғурта шартномасининг тузилиши ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолият юритувчи юридик ёки жисмоний шахс суғурта агенти ҳисобланади. У ўз фаолиятини суғурталовчилар билан тузилган топшириқ шартномалари (агент битимлари) асосида ва уни топшириқ шартномаси

(агент битими) тузган суғурталовчининг реестрига киритганидан кейин амалга оширади («Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг¹ 9-моддаси). Сиз бундай шахс эмассиз. Бинобарин, Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шугулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатининг² 48-сатрини сизнинг фаолиятингизга нисбатан қўллаб бўлмайди.

¹2002 йил 5 апрелдаги 358-II-сон.

²ВМнинг 2011 йил 7 январдаги 6-сон қарорига 1-илова.

АКТИВ	МИНГ СЎМ
Асосий воситалар:	
Дастлабки тикланиш қиймати	14 976,2
Эскириш	13 888,7
Қолдиқ қиймат	1 087,5
Узоқ муддатли инвестициялар	16 550
Ишлаб чиқариш захиралари	88 623,1
Бошқа активлар	68 916,5
Баланс активи бўйича жами	175 177,1
ПАССИВ	
Устав капитали	3 000
Тақсимланмаган фойда	115,9
Фонднинг асосий воситалари	1 087,5
Шуъба корхоналардан мақсадли молиявий тушумлар	170 592,2
Бошқа пассивлар	381,5
Баланс пассиви якуни	175 177,1

лари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ келади» деган хулосага келди.

Фонд харажатларининг умумий суммаси 288 117,0 минг сўмни ташкил этди, шу жумладан:

– маъмурий харажатлар – 16 513,65 минг сўм;
– иқтисодий-ҳуқуқий мавзудаги босма маҳсулотларни бепул тарқатиш – 3 050,9 минг сўм;
– электрон ахборот-қидирув тизимларни бепул тарқатиш – 268 552,4 минг сўм.

Тадбиркорликни ахборот жиҳатдан қўллаб-қувватлаш «Zakovat» жамоат ҳомийлик фонди 2010 йилда тижорат фаолиятини даромад олмаган. Устав фаолиятини амалга ошириш учун ажратмалар ҳисобидан қилинган.

Фонд 2010 йилда ихтиёрий эҳсонлар ва тадбиркорлик фаолиятини даромад олмаган.

М.ЗАЙНУТДИНОВ,
директор.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**
– «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сонли қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида».
- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**
– «Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1999 йил 19 мартдаги 125-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида».
- **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТ**
– ЎзР МВ, ИИВ, Мудофаа вазирлиги, ФВВ, МХХ, ДБКнинг «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2011 ЙИЛГИ АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ПРОГНОЗИ ВА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА» 2010 ЙИЛ 24 ДЕКАБРДАГИ ПҚ-1449-СОНЛИ ҚАРОРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2011 йил, 17-сон, 169-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъмол товарлари импортини божхона-тариф орқали тартибга солишни такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 4 мартдаги ПҚ-1496-сонли қарорига ҳамда «Истеъмол товарлари импортини божхона-тариф орқали тартибга солишни такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 23 мартдаги ПҚ-1507-сонли қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сонли қарорининг 12-2-ило-

васига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

Маълумот учун қабул қилинсинки, киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар 2011 йилнинг 1 апрелидан бошлаб кучга кирган.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент ш.,
2011 йил 25 апрель
ПҚ-1522-сон.

ЎзР Президентининг
2011 йил 25 апрелдаги ПҚ-1522-сон қарорига
ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2010 ЙИЛ 24 ДЕКАБРДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2011 ЙИЛГИ АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ПРОГНОЗИ ВА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА» ПҚ-1449-СОН ҚАРОРИНИНГ 12-2-ИЛОВАСИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР*

1. 02-товар гуруҳининг сатри қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

02	Янги сўйилган, совутилган ёки музлатилган гўшт ва истеъмолбоп гўшти қўшимча махсулотлар	0201 - 0206, 0208	30
		0207	70

2. 04-товар гуруҳининг сатри қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

04	Қуюлтирилган ёки шакар ёхуд бошқа ширин қилувчи моддалар қўшилган сут ва сливкалар	0402 91, 0402 99	30
	Айрон, ивиган сут ва сливкалар, йогурт, кефир	0403	70
	Пишлоқ ва творог	0406	70
	Паррандалар (наследорларидан ташқари) тухуми	0407 00	70
	Табий асал	0409 00 000 0	10

3. 08-товар гуруҳининг сатри қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

08	Янги узилган банан, плантайндан ташқари	0803 00 190 0	25, бироқ 0,15 АҚШ долл./кг
	Янги узилган ананас	0804 30 000 1	25, бироқ 0,15 АҚШ долл./кг
	Авокадо	0804 40 000 0	25, бироқ 0,15 АҚШ долл./кг
	Янги узилган гуаява, манго ва мангостан (гарциния)	0804 50 000 1	25, бироқ 0,15 АҚШ долл./кг
	Апельсин	0805 10	25, бироқ 0,15 АҚШ долл./кг
	Мандарин (шу жумладан танжерин ва сатсума); клементин, вилкинг ва цитруслиларнинг шунга ўхшаш гибридлари, янги узилган ёки қуритилганлари	0805 20	25, бироқ 0,15 АҚШ долл./кг
	Грейпфрут, шу жумладан помело, янги узилган ёки қуритилганлари	0805 40 000 0	25, бироқ 0,15 АҚШ долл./кг
	Лимон (citrus limon, citrus limonum), янги узилган ёки қуритилганлари	0805 50 100 0	25, бироқ 0,15 АҚШ долл./кг
	Янги узилган олма, нок ва беҳи	0808	100
	Киви	0810 50 000 0	25, бироқ 0,15 АҚШ долл./кг

*Илова таҳририят томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Маълумотнома тусига эга.

4. 09-товар гуруҳининг сатридан кейин қуйидаги маънодаги 11 ва 15-товар гуруҳлари билан тўлдирилди:

11	Бурдой уни	1101 00 1100, 1101 00 1500	15
15	Соя мойи ва унинг фракциялари	1507	10
	Маргарин	1517	20

5. 16 ва 17-товар гуруҳларининг сатрлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

16	Гўшт ва гўштли қўшимча маҳсулотлардан тайёрланган колбаса ва шунга ўхшаш маҳсулотлар	1601 00	50
	Гўшт ва гўштли қўшимча маҳсулотлардан тайёр ва консерваланган маҳсулотлар, болалар овқатидан ташқари	1602 (1602 10 001 0 дан ташқари)	50
	Тайёр ёки консерваланган балик; тайёр ёки консерваланган кискичбақасимонлар, моллюскалар ва бошқа сувда яшайдиган умуртқасизлар	1604 (1604 30 дан ташқари), 1605	30
	Осётр увилдириғи, увилдирик ўрнини босувчилар	1604 30	50
17	Қаттиқ ҳолатдаги шакарқамиш ёки қанд лавлагидан тайёрланган шакар ва кимёвий тоза сахароза	1701 91 000, 1701 99	10
	Таркибида какао бўлмаган, шакардан тайёрланган қандолат маҳсулотлари (шу жумладан ок шоколад)	1704 (1704 10 дан ташқари)	50
	Шакар билан қопланган ёки қопланмаган резинка сакич	1704 10	100

6. 19-товар гуруҳининг сатри қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

19	Бошқоқли ўсимликлар донлари, ун, крахмал ёки сутдан тайёрланган тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари	1901 -1904 (1901 10 000 0, 1901 90 990 0* дан ташқари)	20
	Таркибида какао бўлмаган ёки бўлган, ундан тайёрланган қандолат чилик маҳсулотлари	1905	50

7. 21-товар гуруҳининг сатри қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

21	Турли озиқ-овқат маҳсулотлари, болалар овқатидан ташқари	21 (2104 20 001 0, 2105 00, 2106 90 980 1 дан ташқари)	50
	Музқаймоқ ва бошқа турдаги истеъмолга яроқли муз	2105 00	200
	Шакар қўшилмаган сакич	2106 90 980 1	100

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ БИЛАН УЛГУРЖИ
ВА ЧАКАНА САВДО ҚИЛИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШГА ДОИР
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА» 1999 ЙИЛ 19 МАРТДАГИ 125-СОН
ҚАРОРИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2011 йил, 17-сон, 170-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йиллар даврида Ўзбекистон иқтисодиётида ислохотларни чуқурлаштириш ва қўламларини кенгайтириш ҳамда мамлакатда ишбилармонлик муҳитини шакллантириш бўйича мезонлар ва баҳолаш тизимини белгилаш ва амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2011 йил 7 январдаги ПҚ-1464-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1999 йил 19 мартдаги 125-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 3-сон, 14-модда) 2-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Белгилаб қўйилсинки:

юридик шахслар томонидан ўзлари ишлаб чиқарган товарларни бошқа юридик шахсларга, махсус истеъмолчиларга ва ижтимоий соҳа муассасаларига, шунингдек яққа тартибдаги талбиркорларга сотиш фақат нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича амалга оширилади;

юридик шахслар — истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчилар ўзлари ишлаб чиқарган товарларни чакана сотишни ўз фирма дўконлари, шу жумладан ишлаб чиқариш жойида ташкил этилган ўз фирма дўконлари ёки ўзларига тегишли бўлган ёхуд белгиланган тартибда ижарага олинган тургун савдо шохобчалари орқали, фақат белгиланган намуналардаги назорат-касса машиналаридан, тўловларни пластик карточкалар бўйича қабул қилиш ҳисоб-китоб терминалларида фойдаланган ҳолда амалга оширишлари мумкин».

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир
Ш.МИРЗИЁЕВ.*

*Тошкент ш.,
2011 йил 27 апрель
119-сон.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ, МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ,
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ, МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ,
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ИШЛОВЧИ ПЕНСИОНЕРЛАРГА ПЕНСИЯ ТЎЛАШ ТАРТИБИ
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 30 апрелда рўйхатдан ўтказилган.
Рўйхат рақами 2222.*

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2011 йил, 18-сон, 183-модда)

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси

Олий Кенгазининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 338-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 ноябрдаги ПФ-1289-сон «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-

*2011 йил 10 майдан кучга кирди.

номаси, 1995 й., 10-11-сон, 239-модда), 1998 йил 23 апрелдаги ПФ-1990-сон «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 4-сон, 65-модда), 2004 йил 7 декабрдаги ПФ-3521-сон «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимларида ишловчи аёлларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 48-49-сон, 493-модда), 2009 йил 30 декабрдаги ПФ-4161-сон «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 559-модда) фармонларига ҳамда

**Молия
вазири
Р.АЗИМОВ**
27-сон

**Ички ишлар
вазири
Б.МАТЛЮБОВ**
26-сон

**Мудофаа
вазири
К.БЕРДИЕВ**
2-сон

**Фавқулодда
вазирлар вазири
Т.ХУДАЙБЕРГАНОВ**
84-сон

**Миллий
хавфсизлик
хизмати раиси
Р.ИНОЯТОВ**
126-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси
З.ДУСАНОВ**
01-02/5-31-сон

Тошкент ш.,
2011 йил 30 март.

ЎЗР МВ, ИИВ, Мудофаа вазирлиги, ФВВ, МХХ ва ДБКнинг
2011 йил 30 мартдаги 27, 26, 2, 84, 126, 01-02/5-31-сонли қарорига
ИЛОВА

ИШЛОВЧИ ПЕНСИОНЕРЛАРГА ПЕНСИЯ ТўЛАШ ТАРТИБИ ТўҒРИСИДАГИ НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 338-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 ноябрдаги ПФ-1289-сон «Ишлаётган пенсионерларга пенсия тўлаш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 10-11-сон, 239-модда), 1998 йил 23 апрелдаги ПФ-1990-сон «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 4-сон, 65-модда), 2004 йил 7 декабрдаги ПФ-3521-сон «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимларида ишловчи аёлларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 48-49-сон, 493-модда), 2009 йил 30 декабрдаги ПФ-4161-сон «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 559-модда) фармонларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ-1252-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 563-модда) қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартибини белгилайди.

2. Қуйидаги тоифадаги ишловчи пенсионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда (100 фоиз) тўланади:

а) Иккинчи жаҳон уруши ногиронларига, қатнашчиларига ва уларга тенглаштирилган шахсларга. Уруш ногиронларига ва қатнашчиларига тенглаштирилган шахслар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сон «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини рўйбга чиқариш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорининг 2 ва 3-иловаларида белгилаб берилган;

б) Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий хизматни ўтаган ёки фронт орқасида ишлаган шахслар;

в) I ва II гуруҳ ногиронлари;

г) Чернобиль ҳалокатидан зиён кўрган фуқаролар. Чернобиль ҳалокатидан зиён кўрган фуқаролар доираси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 апрелдаги 170-сонли «Чернобиль ҳалокатидан зиён кўрган Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш ҳақида»ги қарорида белгиланган;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ-1252-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 563-модда) қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазирлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда Давлат божхона қўмитаси қарор қиладилар:

1. Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги низом илқвага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

д) фуқаролар йиғинлари ва маҳаллаларнинг раисларига;

е) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчи лавозимларида ишловчи пенсионер аёлларга – ёшга доир пенсияни олганда.

Қолган барча ишловчи пенсионерларга уларга тайинланган пенсиянинг 50 фоиз миқдоридан пенсиялар тўланади.

II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ ТУМАН (ШАҲАР) БЎЛИМЛАРИДА РЎЙХАТДА ТУРУВЧИ ИШЛОВЧИ ПЕНСИОНЕРЛАРГА ПЕНСИЯ ТўЛАШ ТАРТИБИ

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимларида (кейинги ўринларда – Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими) рўйхатда турувчи ҳамда ташкилотларда ишловчи пенсионерларга пенсиялар иш жойидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўриндошлик асосида ишловчи пенсионерларга, пенсия асосий иш жойидан тўланади.

5. Иш жойидан пенсия тўлови ўтган ой учун ойлик иш ҳақининг иккинчи қисми тўловлари билан бир вақтда амалга оширилади. Пенсиялар алоҳида ведомостлар орқали тўланади.

6. Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини ўзига олувчи шахслар ишга қабул қилинганда, уларга пенсия иш жойидан 50 фоиз миқдоридан амалга оширилади.

Бошқа оила аъзоларига (васийликка олинганларга) боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчи ишловчи фуқароларга (васийларга) пенсиялар, уларнинг яшаш жойидан тўлиқ миқдорда тўланади.

7. Хусусий (якка тартибда) тадбиркорлик билан шуғулланувчи ҳамда деҳқон хўжаликларида ишловчи пенсионерларга, пенсиялар уларнинг яшаш жойидаги Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан 50 фоиз миқдоридан тўланади (пенсияларини тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқига эга пенсионерлардан ташқари).

8. Меҳнат шартномасининг (контракт) шартлари ва муддатидан қатъи назар, ишга кирганда, пенсия тўловлари қуйидаги ҳолларда тўлиқ тўхтатилади:

а) Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 14-моддасига асосан, ходимлар сони (штати) қисқарганлиги ёки ташкилотнинг тугатилиши муносабати билан ишдан озод этилиб муддатидан олдин пенсия тайинланган ишсизлар пенсия ёшига (эркаклар – 60 ёш, аёллар – 55 ёш) тўлгунга қадар ишга қабул қилинганда;

б) 1994 йил 1 июлгача (яъни, Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни-

нинг кучга киргунига қалар) белгили муддат хизмат қилгани учун пенсиялар тайинланган шахслар, ёшга доир имтиёзли ёхуд умумий тартибда пенсия олиш ҳуқуқига эгаллик қилишдан олдин ишга қабул қилинганда.

9. Пенсия тўловининг иш жойи орқали амалга оширилиши учун пенсионернинг яшаш жойидаги Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан бериладиган Ф-25 (мазкур Низомга илова*) топшириқнома асос бўлиб ҳисобланади.

10. Ф-25 топшириқномаси (кейинги ўринларда – топшириқнома) қатъий ҳисобот варақаси ҳисобланиб, уни рўйхатга олишда пенсионернинг (пенсия ишининг) шахсий ҳисобварақаси рақами кўрсатилади.

11. Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари топшириқномада қуйидаги маълумотларни акс эттиради:

а) вилоят, шаҳар, туман, топшириқномани жўнатувчи Пенсия жамғармаси бўлимининг номи ҳамда ташкилотнинг номи ва манзили;

б) пенсионернинг фамилияси, исми, отасининг исми ва оладиган пенсия тури;

в) пенсия миқдори;

г) иш жойидан пенсия тўловининг амалга оширилиши зарур бўлган санаси.

Топшириқнома Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлим бошлиғи ва бош ҳисобчиси имзоси билан тасдиқланиб, махсус дафтарда рўйхатдан ўтказилади ва ташкилот вакили ёки пенсионер тасдиғи билан берилади.

Топшириқноманинг қолган графалари пенсионер ишлайдиган ташкилотнинг ижтимоий сугурта бўйича комиссияси ва маъмурияти томонидан тўлдирилади.

12. Қайта ҳисоблаш натижасида пенсия миқдори ўзгарганда, Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими топшириқноманинг орқа тарафига янги пенсия миқдори бўйича белги киритади.

13. Пенсиянинг бир туридан бошқа турига ўтишда ҳамда пенсия тўлови шартлари ўзгарганда (масалан, ногиронлик гуруҳи ўзгариши билан боғлиқ), ташкилот Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига олдинги топшириқнома учун хабарнома йўллайди. Кўрсатилган хабарнома етиб келгандан сўнг, Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими иш жойидан пенсия тўловини амалга оширишга янги топшириқнома тақдим қилади.

14. Пенсионер ишдан озод қилинганда ташкилот пенсия тўловини тўхтатади ва Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига қайси даврга пенсия тўлови амалга оширилганлигини кўрсатган ҳолда топшириқномага хабарнома йўллайди. Пенсионер қайтадан ишга қабул қилинганда янги топшириқнома тақдим қилинади.

15. Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими пенсионернинг шахсий ҳисобварақасига янги топшириқнома берилганлиги ва олдинги топшириқномага хабарнома келиб тушганлиги тўғрисида белги киритади.

16. Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига пенсионер яшаш жойидан пенсиясини олганидан сўнг мазкур ойда ишга қабул қилинганлиги маълум бўлган ҳолларда, иш жойидан пенсия тўловини амалга ошириш учун келгуси ойнинг 1-санасидан бошлаб, ундиришга қўйилган ортқича миқдорини кўрсатган ҳолда, янги топшириқнома ёзилади.

Агар, пенсионернинг ишга қабул қилинганлиги жорий ой учун пенсия тўловини олгунга қадар маълум бўлса, пенсия Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими томонидан ишга қабул қилинган кунга қадар тўланади.

17. Меҳнат шартномаси бекор қилинганда, пенсионер, яшаш жойидаги Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига ишдан бўшаганлик тўғрисидаги буйруқ тартиб рақами ва санасини кўрсатган ҳолда топшириқномага хабарномани ҳамда ишдан бўшаганлик тўғрисида буйруқ кўчирмасини тақдим этади.

Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари тегишли ҳужжатларни қабул қилади ва кирувчи хатлар учун ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилади. Ишдан бўшаганлик тўғрисидаги буйруқ кўчирмаси ва топшириқномага хабарнома пенсия ишига тикилади.

18. Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий сугуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 1333, 2004 йил 6 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 14-сон, 172-модда) 11-сон иловасига мувофиқ ишловчи пенсионерларнинг пенсия тўлов харажатлари ҳисоботида акс эттирилади.

19. Ишловчи пенсионерларнинг пенсия тўловининг ўз вақтида ва тўғри амалга оширилиши ҳамда Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимларига ишга қабул қилинганлик ва ишдан озод этилганлик тўғрисидаги маълумотнинг ўз вақтида ва ишонarli тақдим этилиши бўйича жавобгарликни қонунчиликда ўрнатилган тартибда ташкилот раҳбарлари зиммасига юкланади.

20. Маъмурият ва ишловчи пенсионер ўртасидаги пенсия

тўловлари билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш ижтимоий сугурта комиссияси томонидан амалга оширилади.

III. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА, ИЧКИ ИШЛАР, ФАВКУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИДА, МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИДА ВА ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИДА ҲИСОБДА ТУРУВЧИ ИШЛОВЧИ ПЕНСИОНЕРЛАРНИНГ ПЕНСИЯЛАРИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

21. Ўзбекистон Республикаси мудофаа, фавқулодда вазиятлар вазириликларида ҳамда Миллий хавфсизлик хизматида ҳисобда турувчи ишловчи пенсионерларнинг пенсиялари, пенсионернинг ҳақиқатда яшаш жойидаги Ўзбекистон Республикаси Халқ банки филиаллари томонидан тўлаб берилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазириликда ҳамда Давлат божхона қўмитасида ҳисобда турувчи ишловчи пенсионерларнинг пенсиялари, пенсионернинг ҳақиқатда яшаш жойидаги ички ишлар ҳамда божхона хизмати органлари томонидан тўлаб берилади.

Пенсиялар республика бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади.

22. Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчи шахслар ишга қабул қилинган тақдирда пенсия 50 фоиз миқдорда тўланади. Бошқа оила аъзоларига (васийликка олинганларга) боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчи ишловчи фуқароларга (васийларга) пенсиялар, уларнинг яшаш жойидан тўлиқ миқдорда тўланади.

23. Хусусий (якка) тадбиркорлик билан шуғулланувчи ҳамда деҳқон хўжаликларида ишловчи пенсионерлар ўзининг меҳнат фаолияти тўғрисида уларга пенсия тайинлаган идораларга маълум қилишлари шарт.

IV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

24. Пенсионер тўлиқ ёки тўлиқсиз иш кунда банд бўлишидан қатъи назар, пенсия 50 фоиз миқдорда тўланади.

25. Ўзбекистон Республикаси ташқарисида ишлаётган пенсионерларга пенсиялар мазкур Низомга асосан ўрнатилган миқдорда уларнинг яшаш жойида тўланиши амалга оширилади.

26. Тўлиқсиз ой учун пенсияни тўлашда (ишга қабул қилинган ёки ишдан озод қилинган бўлса) тўланадиган пенсия миқдори қуйидагича аниқланади:

МИСОЛ. 2010 йил 15 мартда ёшга доир пенсия олувчи ишлайдиган пенсионер ишга қабул қилинди. Ҳар ойлик пенсия миқдори 180 800 сўм 00 тийинни ташкил қилади. 2010 йил 1 дан 14 мартгача бўлган давр учун пенсия 100 фоиз миқдорда ($180\ 800\ сўм : 31 \times 14 = 81\ 651\ сўм\ 61\ тийин$), 15 дан 31 мартгача бўлган давр учун 50 фоиз миқдорда ($180\ 800\ сўм : 31 \times 17 / 2 = 49\ 574\ сўм\ 61\ тийин$) тўланади. 2010 йил март ойи учун пенсия тўлови миқдори $131\ 225\ сўм\ 80\ тийинни$ ($81\ 651\ сўм\ 61\ тийин + 49\ 574\ сўм\ 19\ тийин$) ташкил қилади.

27. Ташкилот раҳбарлари пенсионер ишга қабул қилинганда, пенсионернинг яшаш жойидаги Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига ҳамда пенсия тайинлаган Ўзбекистон Республикаси мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазириликлари, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитасига 5 кунлик муддатда хабар беришлари ва ишга қабул қилинганлик тўғрисида буйруқ кўчирмасини тақдим этишлари шарт.


28. Пенсионер (оиланинг бошқа аъзолари учун боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчидан ташқари) ишга қабул қилинганда тегишли пенсия тайинлаган идорага (ўзининг яшаш жойидан) хабар бериши шарт.

29. Ишловчи пенсионерларнинг пенсия тўловлари учун ташкилотларга ажратилган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда давлат солиқ хизмати органлари олиб боради.

30. Ишловчи пенсионерларга пенсия тўловини амалга оширувчи ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларини ўз вақтида ва мақсадли тўланиш жавобгарлигини ўз зиммасига олади.

31. Ишловчи пенсионерларнинг пенсия тўловларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларининг тўғри ҳисобланиши, тўланиши ва сарфланиши устидан назорат, ташкилотларнинг раҳбарлари ва бош ҳисобчилари томонидан амалга оширилади.

*Илова берилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТда ва www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рўқнида танишиш мумкин.



TOP

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 19 (304) 2011 йил 17 май

САМАРАЛИ ХУЖЖАТЛАР АЙЛАНУВИ ВА ТЕЗКОР МАТБАА УЧУН ИННОВАЦИОН ЕЧИМЛАР






✓ Тўлиқ рангли ва монохром копирлар, принтерлар, кўп функцияли офис тизимлари, **Konica Minolta** босмасининг самарали тизимлари

✓ **RISO** рақамли мини-босмаҳоналари, матбаа ускуналарининг кенг спектори

✓ **ACCO Brands** офис ускуналари

✓ Шахсий компьютерлар ва лицензияланган дастурий таъминот

- Кафолат, фойдаланишнинг бутун даврида техник кузатув
- Оригинал сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмлар

Товар сертификатланган

ATK TURON - Konica Minolta, RISO, ACCO Brands расмий ҳамкори

Тел./факслар: 237-47-00, 237-48-00. E-mail: info@atcturon.uz; www.atcturon.uz

Рўйхатлар

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 12 майдаги ҳал қилув қарорларига асосан Олмалик шаҳридаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Қарор рақами
"OLMALIQ TOG-KON INVESTS" МЧЖ	300898314	11-1106/8546
"SANOBAR FAXRI-KELAJAK" ХК	300737957	11-1106/8547
"ZAMIN" ХК	203529829	11-1106/8548
"GIPPOKRAT-FARM" ХК	205211550	11-1106/8549
"KAMALAK 17" ХФ	202422869	11-1106/8550
"ABDULAZIZ OMAD BIZNES" ХК	300796995	11-1106/8551

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамгалари, шунингдек Давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари ва барча таъсис хужжатларининг асл нусхалари бекор қилинади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мобайнида Олмалик шаҳар Ҳокимияти қошидаги махсус тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади. 2 ой мобайнида даъво билан Олмалик шаҳар Ҳокимияти қошидаги Махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда Давлат реестридан чиқарилади. Тел.: 8-370-61-5-27-29.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 9 майдаги ажримларига асосан Мирзо Улуғбек туманидаги банкротлик иши қўзғатилган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	Ажрим рақами
"AGNESS KONSALT" ХК	10-1117/7424
"AZIMOV ANVAR QURUVCHI" МЧЖ	10-1117/7425
"GRAFO UNIVERSAL SERVIS" МЧЖ	10-1117/7426
"ADELINA INDUSTRY" МЧЖ	10-1117/7427
"GLOBAL-KOMPUTERS" МЧЖ	10-1117/7428
"AGALAS" ХК	10-1117/7429
"ХФК ТРАКТОР"	10-1117/7430
"METAL PLASTIK SAVDO" ШК	10-1117/7431
"FELIZ DUET" ХК	10-1117/7432
"KASABLANKA" ШК	10-1117/7433

Мазкур корхоналар кредиторларининг 1-йигилиши 2011 йил 20 май куни соат 10.00 дан 11.00 гача Тошкент ш., Шаҳриобод кўчаси, 314-уй, Мирзо Улуғбек туман ДСИ биносида ўтказилади. Ушбу корхоналарнинг банкротлик иши 2011 йил 25 май куни соат 10.00 дан 10.45 гача Мирзо Улуғбек туман ДСИ биносида бўлиб ўтади. Корхоналарнинг кредиторлари судда қатнашиш ҳуқуқига эга. Тел. 262-00-98.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 3 майдаги 10-1117/7072-сонли ажримига асосан Миробод туманидаги "MAGIC STONE STAR" МЧЖ (СТИР 301131628) бўйича банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, кузатув жараёни бошланди. Ушбу корхонанинг муваққат бошқарувчиси этиб Миробод туман ДСИ ходими О.Алтиев тайинланган. Қарувчиси этиб Миробод туман ДСИ ходими О.Алтиев тайинланган. Кредиторларнинг 1-йигилиши 2011 йил 18 май куни соат 10.00 да Тошкент ш., Нукус кўчаси, 23а-уй, 610-хонада ўтказилади ва кузатув ишлари ушбу ш. манзилда давом этади. Банкротлик иши 2011 йил 20 май куни соат 12.50 да Тошкент шаҳар хўжалик суди биносининг 1-залида судья А.Х.Шукруллаев томонидан қўрилади.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 5 майдаги 10-1107/7207-сонли ажримига асосан Шайхонтоҳур туманидаги "Novoimpex LLP" МЧЖ ҳамда 10-1107/7208-сонли ажримига асосан "Agro Story Servis Plus" МЧЖ бўйича банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, кузатув жараёни бошланган. Кредиторларнинг 1-йигилиши 2011 йил 18 май куни соат 10.00 да Тошкент ш., А.Навоий кўчаси, 7а-уй, 306-хонада ўтказилади ва кузатув ишлари ушбу манзилда давом этади. Банкротлик иши 2011 йил 20 май соат 12.30 да Шайхонтоҳур туман ДСИ биносининг 306-хонасида сайёр суд мажлисида қўрилади. Ушбу корхоналарнинг кредиторлари судда қатнашиш ҳуқуқига эга. Тел. 241-30-86.

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 11 майдаги 11-1106/9014-сонли ажримига асосан Пискент туманидаги "Жам бизнес" ХК (СТИР 202585570; юридик манзили: Тошкент вилояти, Пискент тумани, Жамбил кўчаси) банкротлик иши қўзғатилган ва кузатув жараёни жорий қилинган. Муваққат бошқарувчи этиб З.Тўраев тайинланган. Иш юзасидан сайёр суд мажлиси 2011 йил 21 июнь куни соат 11.00 да қуйидаги манзилда ўтказилади: Пискент шаҳри, Бобур кўчаси, 66-уй, Пискент туман ДСИ маъмурий биноси. Мазкур корхонага нисбатан кредиторлар талаблари эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой давомида қабул қилинади. Ушбу корхона кредиторларининг 1-йигилиши 2011 йил 13 июнь куни соат 15.00 да қуйидаги манзилда ўтказилади: Пискент ш., Бобур кўчаси, 66-уй, Пискент туман ДСИ маъмурий биноси. 2011 йил 13 июнь соат 14.30 дан бошлаб кредиторлар вакиллари рўйхатдан ўтказилади ва суд бошқарувчиси орқали судда қўриладиган материаллар билан танишиш мумкин. Тел. +99897-7003655.

Кун тартиби:

1. Муваққат бошқарувчининг ҳисоботи.
2. Муваққат бошқарувчига мукофот тўлови миқдорини белгилаш.
3. Банкротликнинг кейинги таомилларини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш.
4. Банкротлик кейинги таомилларини ўтказиш учун суд бошқарувчиси номзодини тайинлаш.
5. Бошқа масалалар.

Йигилишда қатнашаётган кредиторлар вакиллари овоз бериш ҳуқуқига эга бўлишлари учун кредитор манфаатларини судда ҳимоя қилиш ҳуқуқига ишончнома, тақдим этиладиган талабларга асосланма ва шахсини тасдиқловчи хужжатга эга бўлишлари лозим.

«UNIKS-STAR» МЧЖ НАСОСЛАР

чуқурликлар учун ЭЦВ 4, 6, 8, 10 туридаги
дренаж учун ГНОМ туридаги
К туридаги, Консоль
"КАСКАД" КЎЗ
Товар сертификатланган
189-10
ВК туридаги, Вихрли
ЦМК туридаги фекаль
"Андижанец" насоси

ТЕЛ.: 253-97-60, 188-98-38, WWW.NASOS.UZ

"Интеграл стар" ХК таклиф қилади

ЕҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган

Тўлов - исталган шаклда

Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

ҚУРИЛИШ

МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ УЛГУРЖИ САВДОСИ

Муваффақиятга эришишигизни кўзлаб ишлаймиз!

092-11

ЦЕМЕНТ

Битум, рубероид

Алебастр, бўр, оҳак
Кальций карбиди
Электродлар
ПВА елими,
дурадгорлик КМЦ елими
Суюлтиргич эритгич 649
Куруқ қурилиш аралашмалари
(гипсли, цементли)
Эмаллар, локлар,
бўёқлар, алифмой
Шпатлёвка
Линолеум
Саморезлар 32.5176
Махсус кийим-бош ассортименти

Ҳимоя каскалари
Респираторлар
Хўжалик моллари
Қурилиш миҳлари 32-120
Сетка-рабица
Гипсокартон
Кум, шағал
Шифер
Қурилиш анжомлари
Кетмонлар, болталар,
катта болғалар, ломлар
Белкураклар (тиғли, куракли)
Ёзув-чизув товарлари
Рухланган пўлатдан
профиллар

ШУНИНГДЕК 300 ДАН ОРТИҚ НОМЛАНИШДАГИ БОШҚА МАҲСУЛОТЛАР

8-371-140-00-12

Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 42

8-371-140-04-12

chsu.torg@mail.ru

ҚУРИЛИШДА ЁНҒИНЛАРГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙЛИК

Бугунги кунда қурилиш ишлари республика бўйлаб авж паллага кирган. Ана шундай бунёдкорлик ҳаракатлари олиб борилаётган қурилиш масканларида турли сабаблар билан ёнғинлар содир бўлаётгани ҳам кузатилмоқда.

Шайхонтоҳур туман ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари «тилсиз ёв» офатининг олдини олиш учун қурилиш мутасаддилари ва ходимларини қуйидаги қоидаларга риоя этишга чақиради:

- қўлбола электр иситиш анжомларидан фойдаланмаслик;
 - қурилиш вагонларида чекмаслик;
 - электр тармоғи тизимларига қўлбола симлар ўрнатмаслик;
 - қурилиш вагониди ва ёнғинчи буюмлар олдида олов ёқилишига йўл қўймаслик;
 - кислород баллонларини бўёқлар ва тахта материаллари билан бирга сақламаслик;
 - қурилиш вагонларидан чиқаётган, электр тармоқларини ўчириш;
 - қурилиш майдонларида болаларнинг ўйнашига йўл қўймаслик;
 - қурилиш вагонларида очиқ уланган, фойдаланилиши тақиқланган, ностандарт электр иситиш анжомларини ишлатмаслик;
 - қурилиш вагонларини бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан етарли даражада таъминлаш;
 - қурилиш ишлари олиб борилаётган вақтда газ ва электр пайвандлаш мосламаларидан ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этган ҳолда фойдаланиш;
 - қурилиш вагонларининг тахтали деворларига электр улагичлар ўрнатмаслик.
- Ишчи ва ходимларнинг юқоридаги қоидаларга амал қилиши ҳамда қурилиш масканларида ёнғинга қарши жавобгар шахсларнинг тайинланиши содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олишга замин яратади.

Р.СОДИҚОВ,
Шайхонтоҳур туман ИИБ ЁХБ
инспектори, капитан.

«AMIR-AUDIT» МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия
УзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси

Ўзбекистоннинг бутун ҳудудда барча ҳўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувларини амалга оширади

Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

CAP ва CIPA сертификатларига эга бўлган аудиторлар ишга таклиф этилади

Тел. (+99897) 409-04-23, 236-55-78 факс (8371) 296-52-15

«NAZORAT-AUDIT» МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
УзР МБнинг 28.07.2008 йилдаги 00067-сон лицензияси

Барча ҳўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари

Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва молия қонун ҳўжатларига мувофиқ барча консалтинг хизматларини кўрсатамиз

Манзил: Тошкент ш., Гавҳар кўч., 124.
Тел. (8371) 279-47-16. Факс (8371) 279-44-01.
Уяли: (+99897) 402-05-00, 340-98-62, 335-19-67, (+99894) 663-77-74.
E-mail: ltd_nazorat-audit@mail.ru

Вилоятлардаги алоқа боғлаш телефонлари:
Нукус (+99861) 357-43-26, Хоразм (+99862) 624-51-55,
Сурхондарё (+99894) 461-32-70, Самарқанд (+99866) 777-01-63,
Наманган (+99899) 259-57-97, Жиззах (+99872) 328-08-00

ЭЪЛОНЛАР	ЭЪЛОНЛАР	ЭЪЛОНЛАР
<p>ИШ</p> <p>«INTER-LINE» МЧЖга боғхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар (декларантлар) керак. Алоқа боғлаш тел.: 919-21-16, 919-21-19. E-mail: interline@list.ru.</p>	<p>БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ</p> <p>Баҳолаш ва бизнес-режалар*. Тел. 430-56-00.</p>	<p>Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*. Тел. 448-74-69.</p>
<p>АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ</p> <p>Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*. Тел.: 370-63-06, 263-77-29.</p>	<p>ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР</p> <p>Дебиторлик қарзини ундириш. Юридик хизмат кўрсатиш. Ҳўжалик, жиноят ишлари*. Тел. (+99897) 330-45-71.</p>	<p>БОЖХОНА ХИЗМАТЛАРИ</p> <p>Ташкилот вилоятларда тижорат юқларини декларациялаш хизматларини кўрсатади*. Тел. (8 371) 268-10-92.</p>
<p>Шартномаларни визалаш, ҳўжалик судида манфаатларни ҳимоя қилиш, жиноят ишлари бўйича адвокат, қорхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш*. Тел.: 449-03-03, 244-01-27.</p>	<p>Дебиторлик қарзини ундириш. Ҳўжалик судида вакиллик қилиш. Қорхоналарга юридик хизмат кўрсатиш. Адвокат Шуман Неля Сергеевна*. Тел./факс: 242-33-52, 341-03-50 (уяли).</p>	<p>ХИЗМАТЛАР</p> <p>Сметаларни жорий нархларда тузиш. Турар жой ва жамоат биноларини лойиҳалаштириш*. Тел.: 244-86-80, 244-86-79.</p>
		<p>Курилиш-таъмирлаш ва пардозлаш ишлари. Тел.: 244-86-80, 244-86-79.</p>
		<p>1С: 8.1. Кузатув, сошлаш ва дастурлаш. Тел. (+99893) 381-36-49.</p>
		<p>Компьютерга тез ёрдам. Windows, дастурлар, антивирус ҳимояси. Жойига чиқиш билан. Дам олиш кунларисиз. Тел. 585-29-79.</p>
		<p>*Хизматлар лицензияланган.</p>

РЕКЛАМА

237-51-33, 237-47-20, 237-47-05

АУДИТОРЛАР ВА БУХГАЛТЕРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«CIPAEN UZ» МЧЖ «Сертификатланган амалиётчи бухгалтер (CAP)» ва «Сертификатланган халқаро малакали бухгалтер (CIPA)» малакасини олишга номзодлар учун CIPA дастури имтиҳонларига рўйхатдан ўтказиш бошланганини эълон қилади

МАЛАКА ИМТИҲОНЛАРИ ЖАДВАЛИ

Имтиҳон санаси	CAP даражаси	CIPA даражаси
2011 йил 1 июль	Солиқлар	Молиявий менежмент
2011 йил 2 июль	Бошқарув ҳисоби 1	Аудит
2011 йил 3 июль	Молия ҳисоби 1	Бошқарув ҳисоби 2
2011 йил 4 июль	* Ҳуқуқ	Молия ҳисоби 2

Имтиҳонларда қатнашишга рўйхатдан ўтказиш 2011 йил 31 майгача давом этади. Рўйхатдан ўтказиш бадали миқдори – 110 000 сўм.
Имтиҳонларда қатнашмоқчи бўлган номзодлар 2011 йил 31 майда соат 16.00 гача рўйхатдан ўтишлари ва ҳўжатларнинг зарурий пакетини топширишлари керак.

Диққат!

«Молия ҳисоби 1», «Солиқлар» ва «Ҳуқуқ» фанлари бўйича имтиҳонлар ўзбек ва рус тилларида бўлиб ўтади

Рўйхатдан ўтиш учун рўйхатдан ўтиш карточкасини тўлдириш, имтиҳонда қатнашиш учун ҳақ тўланганлигини тасдиқлайдиган тўловномани, паспорт ксеронусхасини ва жорий календарь йилида олинган 3x4 см ҳажмидаги фотосуратни тақдим этиш керак.

Минтақаларда рўйхатдан ўтиш масалалари бўйича куйидагиларга мурожаат қилинг:

Андижон (8-374)
Бобур шоҳқўч., 56
Тел. 250-60-06
Баҳодир Солиев

Бухоро (8-365)
Мўминов кўч., 2, 104-хона
Тел. 223-86-40
Сайфулло Ҳайитов

Гулистон (8-367)
Халқлар Дўстлиги кўч., 30
Тел.: 225-47-97, 225-31-64
Алла Шин

Қарши (8-375)
Мустақиллик майдони, 2
Тел.: 221-01-07, 229-15-10
Зебо Эргашева

Наманган (8-369)
Хуррият кўч., 22
Тел.: 226-62-83, 226-80-60
Атхам Қозоқбоев

Нукус (8-361)
А.Темур кўч., 120
Тел.: 222-48-27, 350-71-75
Қаллибек Абдурахмонов

Самарқанд (8-366)
А.Темур кўч., 9
Тел. 233-64-79
Гулноза Раҳматова

Термиз (8-376)
М.Қошгарий кўч., 42
Тел.: 227-52-40, 222-85-35
Хуррам Норқобилов

Фарғона (8-373)
М.Қосимов кўч., 147/14
Тел.: 224-80-13, 224-35-10
Зулхумор Болтабоева

Урганч (8-362)
Гурлан кўч., 2А
Тел.: 229-39-80, 518-32-90
Умарбек Жабборов

Минтақалардаги имтиҳонлар сессияга рўйхатдан ўтганлар сони етарли бўлиши шарти билан ўтказилади (камида 35 киши)

Тошкентда рўйхатдан ўтиш масалалари бўйича куйидаги манзилга мурожаат қилинг:
«CIPAEN UZ» МЧЖ: А.Темур кўч., 107А; тел.: (8-371) 238-90-25, 238-90-26, Эльвира Файзулина

Рўйхатлар

Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳридаги куйидаги қорхоналар бўйича тугатишга доир ишлар бошланган:

Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан 2007 йил 21 сентябрда рўйхатдан ўтган «IBRAT-NIYAT-SAVDO» ХК (СТИР 300572508) бўйича 2011 йил 22 апрелдаги таъсисчининг қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Олмалиқ шаҳар, Сунбула кўчаси, 16-уй, 6-хонадон.
Телефон: +99894-406-76-25.

Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан 2010 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтган «OSIYO TOG-KON SANOAT» МЧЖ (СТИР 301588865) бўйича 2011 йил 25 апрелдаги таъсисчининг қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Олмалиқ шаҳар, А.Темур кўчаси, 29-26. Телефон: +99897-77-05-83.

Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан 2010 йил 14 майда рўйхатдан ўтган «DILAFRUZ AVTOTRANS» МЧЖ (СТИР 207079190) бўйича 2011 йил 4 майдаги таъсисчининг қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Олмалиқ шаҳар, Гултепа кўчаси, 33-уй.
Телефон: +99894-657-29-66.

Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан 2010 йил 8 июнда рўйхатдан ўтган «FOTIMA-BONU-SERVIS» ХК (СТИР 207081634) бўйича 2011 йил 4 майдаги таъсисчининг қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Олмалиқ шаҳар, Свинцовая кўчаси, 53-уй.
Телефон: +99894-601-18-73.

Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси-

дан 2009 йил 6 мартда рўйхатдан ўтган «AZLIDIN OMAD BIZNES» МЧЖ (СТИР 301089710) бўйича 2011 йил 5 майдаги таъсисчининг қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Олмалиқ шаҳар, Истикбол кўчаси, 13-38-уй.
Телефон: +99894-640-45-00.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2011 йил 3 майдаги 10-1117/7071-сонли ажримига асосан Миробод туманидаги «ТЕННО PLUS STORY INVEST» МЧЖ (СТИР 301265943) бўйича банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, кузатув жараёни бошланган. Мазкур қорхона бўйича муваққат бошқарувчи этиб Миробод туман ДСИ ходими О.Алтиев тайинланган. Ушбу қорхона кредиторларининг 1-йиғилиши 2011 йил 18 май соат 11.00 да Тошкент ш., Нукус кўчаси, 23а-уйдаги 610-хонада ўтказилади ва кузатув ишлари ушбу манзилда давом этади. Банкротлик иши 2011 йил 20 май соат 12.45 да Тошкент шаҳар ҳўжалик суди биносининг 1-залида судья А.Х.Шукруллаев томонидан кўрилади.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД КУРБОНБЕКОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келмавермайди.
Тахририят оғохлантирадиси, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун тахририят жавобгар эмас. Тахририят мушаррийлар билан ёзилиб туриш имкониятига эга эмас.
«Norma маслахатчи» да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «Norma» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диагнозитивлар ёрдамида «ТОПРИНТ» МЧЖ босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 1039 Аҳди 4860. Баҳоёи келишилган нархда
Газета 2011 йил 13 майда соат 20.00 да топширилди.
ISSN 2010-5223